ЭРКИН АЪЗАМ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНУВЧИ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ДИАЛЕКТИЗМЛАР ХУСУСИДА

Ш.Ғ.Тошхужаева

Мақолада Эркин Аъзам асарларида қўлланувчи диалектизмлар ҳақида сўз боради. Диалектизмларнинг лексик-семантик хусусиятлари аниқланади, уларнинг лексик-семантик вариантларини ажратиш орқали лингвопоэтик белгилари кўрсатилади.

Калит сўзлар: *диалектизм, лексик ва семантик вариант, этнолингвистик бўёқ, этнографик белги, лингвопоэтик белги.*

В статье рассматриваются диалектизмы, использованные в произведениях Эркина Агзама. Уточнены лексико-семантические особенности и выявлены лингвопоэтические признаки диалектизмов путем различения их лексико-семантических вариантов

Ключевые слова: *диалектизм, лексический и семантический вариант, этнолингвистическая окраска, этнографический признак, лингвопоэтический знак.*

In this article the dialecticisms used in the works of Erkin A`zam are treated. The author tries to reveal the lexico-semantic peculiarities of dialecticisms. By distinguishing the linguo-poetic signs the lexico-semantic variants of dialecticisms are shown.

Keywords: *dialecticism, lexical and semantic variant, ethnolinguistic shade, ethnographic sign, linguo-poetic sign.*

Маълумки, “диалектизмлар - баён этиш услуби сифатида бадиий адабиёт тилида фойдаланиладиган диалектик сўзлар” [1.31]дир. Улар бадиий асар тилининг бой, жозибадор ва таъсирчан бўлишида муҳим ўрин эгалловчи воситалардан бири ўлароқ деярли барча асарларда воқеланади.

Миллий тилнинг турли диалект ва шеваларига тегишли бўлган оригинал сўзлар фақат диалектолог ва тилшунос олимлар илмий тадқиқот ишларининг мавзуи бўлиб қолмай, балки муҳим бадиий-тасвирий восита сифатида сўз санъаткорлари – ёзувчилар, шоирлар ва бошқаларнинг ҳам диққатини ўзига жалб этади. Диалектал сўзларнинг ўзига хос эмоционал-экспрессив ва эстетик восита сифатида бадиий текстда маълум даражада қўлланиши қонуний ҳодисадир. Шунга кўра, бундай диалектал сўзларнинг семантик-стилистик хусусиятларини бадиий асарлар тили материали асосида ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади [2.35].

Э.Аъзам, аввало, халқ ёзувчиси, миллатига жонкуяр ижодкор сифатида халқнинг маънавий мулкидан фойдаланмаслиги, у сув ичган булоқлардан баҳраманд бўлмаслиги мумкин эмас. Ҳозирги кунда мавжуд диалектлар уч лаҳжага: қарлуқ-чигил-уйғур, қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларига бўлиб ўрганилади. Бу лаҳжаларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларига – фонетик, морфологик ва лексик жиҳатдан фарқланадиган қатор лингвистик белгиларига эга. Ушбу лингвистик хусусиятларига кўра ёзувчи асарларида келтирилган диалектизмларни тадқиқотимизда қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Фонетик диалектизмлар.
2. Морфологик диалектизмлар.
3. Лексик диалектизмлар.

Э.Аъзам асарларида, асосан, таянч шевалардан бири – Тошкент шевасига хос фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлар образлиликни таъминлаб, бадиий асарнинг жозибадорлиги ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Эркин Аъзам асарларида фонетик ва морфологик диалектизмлар қаторида лексик-семантик диалектизмлар муҳим ўринни эгаллайди. М.Йўлдошев лексик диалектизмларни уч гуруҳга бўлиб ўрганади: 1) соф лексик диалектизмлар 2) этнографик диалектизмлар 3) семантик диалектизмлар [3.60]. Эркин Аъзам асарларида ҳам диалектизмларнинг ҳар уч туридан моҳирона фойдаланилган.

1**. Соф лексик диалектизмлар** адабий тилда маънодоши мавжуд бўлган сўзлар ҳисобланади. Бундай диалектизмлар тасвирда маҳаллий руҳни ёрқин тасаввур қилишга хизмат қилади. Масалан, ***шоти*** *(нарвон),* ***бўйинса*** *(тенгқур),* ***элхеш*** *(қариндош),* ***тўлғамоқ*** *(чайқамоқ, силкимоқ, тебратмоқ),* ***итқитмоқ*** *(ирғитмоқ)* каби бир қатор сўзлар ана шу мақсадда қўлланган: *Файзуллаевич, эгнида банорас тўн, қўлида токкайчи, ишкомга* ***шоти*** *қўйиб, ҳавасакка хомток билан машғул эди.* (“Жавоб”); *Ахир, ўшанда гап менинг оилавий ҳаётим устида бормоқда эди, сендан –*

ўз ***бўйинса*** *– биродаримдан бошқача, мардона бир сўзни кутган эдим.* (“Жавоб”); *“Энди –и бундай қилиб юрманг, бўла, ҳар замон-ҳар замонда қишлоққа бориб туриш керак: туғилган жойингиз,* ***эл-хеш****, қариндош-уруғ дегандай...”* (“Остона”, 153); *Дарҳол таниб олифтанамо қўл* ***тўлғади.*** (“Шовқин”); *- Тузук тортилмайдиям, - дедим қўлимдаги сигаретни аччиқ билан машина ойнасидан* ***итқитиб*** (“Манзума отин”).

Эркин Аъзам диалектизмларни асарга олиб киришда кўпинча ҳеч қандай тушунтиришсиз, бирор белгисиз нутқ ичига киритиб юборади, айрим ўринда эса диалектал сўзнинг маъносини қавс ичида изоҳлаб беради: ***“Бўла?! Бўлам?!..”*** *(Бизнинг юртларда амакивачча, холаваччаю узоқроқ қариндошларнинг болаларини ҳам шундай – бўла дейишади.)* (“Остона”)

2. Этнографик диалектизмлар. Бошқа халқлар диалектида кузатилмайдиган, фақатгина маълум бир шева тарқалган ҳудудда яшовчи кишиларнинг ўзларига хос бўлган урф-одатларнинг номларини ифодалаб келувчи сўзлардир. Мазкур диалектизмлар ёзувчи асарларида маҳаллий-миллий урф-одатлар, воқеа-ҳодисаларни тасвирлашда муҳим воситалардан бири сифатида юзага келади. Бундай сўзлар тасвир реаллигини таъминлайди ва матнга алоҳида маҳаллий ранг беради. Бироқ Э.Аъзам асарларида бундай воситалар кам қўлланган. Масалан, қуйидаги гапларда ***“бешик-керти”*** *(Болаларни бешикдалигидаёқ унаштириб қўйиш одати)*, “***номгўй***” (урф-одатларга кўра, ёшлигида номи айтилиб унаштириб қўйилган йигит ёки қиз) ва “***мурдашўй***” (ғассол, ювғучи) каби этник диалектизмларни учратишимиз мумкин: *Лекин болаликда* ***“бешик керти”*** *қилинганига қарамай, амма унга қизини бермади*. (“Ступка”); *У болаликдан бир хешларининг қизига* ***“номгўй”,*** *қиз ҳам сочини тараб уни кутиб ўтирган эди.* (“Жавоб”); *Оғилни* ***мурдашўйинг*** *курайдими, жувонмарг!* (“Боғбололик Кўкалдош”). Юқоридаги вульгар характеридаги ***мурдашўй*** этнографик диалектини Кўкалдошнинг ўгай онаси нутқи орқали беришда ёзувчи асарда кучли эмоционал-экспрессивликни мақсад қилиб қўйган, яъни ўгай она ўгай фарзандга нима тилайди: ўлим! Алал-оқибат эса биргина мурда ювувчи – покловчига юмуш қолади. Адиб она тилидан қарғамайди, аслида эса “қаро ер бўлгур”, “ергина ютгур” каби қарғишларни ҳам персонаж нутқида келтириши мумкин эди. Бироқ ғазабни ҳам, жаҳлни ҳам, ички туғёнларни ҳам биргина “мурдашўй” сўзи семантик структурасига юклай олган ёзувчининг маҳоратини ана шунда кўриш мумкин. Насрий асар поэтикаси китобхон кутмаган лингвистик воситалар орқали ифодаланади. Ёзувчи бунда этнографик лексик бирлик таркибидаги валентликнинг семантик катакларини семасиологик вариант элементлари билан тўлдиради. Матнда лингвистик бирликнинг маъно қаторлари этнолингвистик бўёқ билан тўйинтирилади. Натижада лингвопоэтик белгилар китобхон тасаввурида шакллана бошлайди.

3. Семантик диалектизмлар. Бу хил диалектал сўзлар адабий тилдаги сўзларга шаклдош бўлиб келади. Ёзилиши ва талаффузи бир хил бўлган айни бир сўз адабий тилда ҳам, шевада ҳам бўлиши мумкин. Лекин улар адабий тилда ва шевада бошқа-бошқа маънода қўлланади. Бундай сўз бадиий асарда семантик диалектизмларни ҳосил қилади. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” [4.41] да **энмоқ** сўзи қуйидаги маъноларни ифодалаб келади: **энмоқ** – паст, қуйи томон йўналмоқ, тушмоқ; **энмоқ** – тегмоқ, қўнмоқ, ўтирмоқ; **энмоқ** – пайдо бўлмоқ, кирмоқ; *Кечки пайт жиловни салқи қўйганча, арчазор оралаб* ***энибкеляпман***. (“Шовқин”), *- Анови тоғни тешиб, Дурдаранинг суви шундай бир* ***эндириб*** *юборилса – олам гулистон эди-я!* (“Сув ёқалаб”), *Ёзувчини кузатиб қайтган Фарҳод нимқоронғи зинапоя бўйлаб базмхонага* ***энаркан****, ялтир-юлтирбар пештахтаси олдида... Гуляга кўзи тушди.* (“Шовқин”) Мазкур сўз биринчи ва иккинчи гапда *паст (қуйи) томон йўналмоқ* маъносида, учинчи гапда *кирмоқ* маъносида келган. Семантик ва лексик вариантни ажратиш ёки фарқлаш туфайли нозик маъно оттенкаси асарнинг бадиийлик даражасини оширади. Диалектал лексик бирлик семантик қаторидан нутқдаги семантик бирлик вариантларини қўллаш асарнинг таъсирчанлигини кучайтиради.

Қуйида Эркин Аъзам асарларида қўлланган лексик-семантик диалектизмлар изоҳини беришда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги таҳлилга асосланилди. Н**арвон** (шоти), **хеш** (қариндош)**, сўғин (**сўнг, кейин, сўнгра)**, туюр** (бўлак, бурда), **дапқир** (тез, вақт ўтказмай), **ишком, жом** (тоғора), **эна** (она, ойи), **сўғра** (сўнгра), **бача** (бола), **шуйтиб** (шундай қилиб), **буйтиб** (бундай қилиб), **бўлавачча** (холавачча), **ҳайми** (хўпми), **қашшанг** (уяти йўқ, сурбет), **сочқи** (чочқи), **желак** (нимча, енгсиз юпқа кийим), **биби** (онанинг ёки отанинг онаси, буви), **йўғасам** (бўлмасам), **ҳўққи** (букри), **ўрлик** (ўжарлик), **сатил** (челак, пақир), **ҳавасак** (ҳавасга), **дувва** (бирдан, бараварига), **ада** (дада), **бопта** (боп, мос), **дода** (дада), **туйқусдан** (бирдан), **элтиб** (олиб бориб), **харрак** (ўриндиқ, скамейка), **кат** (каравот), **энмоқ** (кирмоқ, қарамоқ), **тўлғамоқ** (чайқамоқ, силкимоқ, тебратмоқ), **кепата** (аянч, ачинарли), **улги** (ўрнак, намуна), **энағар** (онағар), **язна** (почча), **иби** (ие)**,**

ҳадаҳа (тездан), **намхуш** (бир оз намли), **итқитмоқ** (ирғитмоқ), **чеча** (келинойи).

Демак, ёзувчи асарларида қўлланган шевага хос сўзлар ва уларнинг лексик-семантик хусусиятларини ўрганиш ҳозирги ўзбек адабий тилини бойитиш, мукаммаллаштириш учун катта аҳамиятга эга. Чунки бу сўзларнинг кўпчилиги тилимизнинг узоқ ўтмишини, халқимизнинг турмуши, маданияти, урф-одати ва шу кабиларни ўзида ёрқин акс эттиради. Бироқ ўзбек адабий тилининг ҳозирги ривожида диалектал сўзлар ҳисобига бойиб бориш ҳал қилувчи мутлақ аҳамиятга эга бўлмаса-да, бадиий асарда халқона усулда оддий халқ тилига яқин сўз ва иборалар шаклида ифодалаш асарнинг бадиий-эстетик қимматини ва бадиий тасвир жозибасини янада оширишга хизмат қилади. Демак, диалектизмларни бадиий асар матни бўйича ўрганиш ҳам бадиий тил лексикасини ўрганишнинг муҳим томонларидан бири ҳисобланар экан. Эркин Аъзам асарларида диалектал сўзлар ўзига хос эмоционал-экспрессив ва эстетик восита сифатида қўлланиб, мазкур усулнинг семантик-стилистик хусусиятларини ёзувчи асарлари тили материали асосида ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу мақолада ҳам ўзбек тилининг баъзи диалектларига хос бўлган айрим сўзлар, уларнинг адабий тилдаги вариантига нисбатан мазмунни ифода этишдаги ўзига хос вазифалари, ёзувчи Эркин Аъзамнинг умумхалқ тилида кўзга яққол ташланиб турувчи ранг-баранг диалектал сўзлардан усталик билан фойдаланишдаги ўзига хос санъаткорлиги, улардан фойдаланиш меъёри ва диалектал сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари қай даражада юзага келганини мисоллар таҳлилида кўриб ўтдик.

Адабиётлар:

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., 1966.- 607 с.
2. Дониёров А. Шева унсурларининг бадиий асарларда қўлланиши //Ўзбек тили ва адабиёти.-1990.- № 6.- Б.35
3. Йўлдошев М Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. номз. …дисс. – Т., 2000, - 145 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд.- Т.: 2006. -592 б.

Қўқон давлат педагогика институти,
2015 йил 17 ноябрда қабул қилинган,
(Тақризчи: проф. М.Ҳакимов)